100 китоб тўплами

ПОРЕЙ ПИЁЗИ ЕТИШТИРИШ

39-китоб

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам МАМАТҚУЛОВ,
“Агробанк” АТБ бошқарув раиси.

УЎК 631.53.032:635.261
КБК 42.345
П 74

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчилар:
М.М. Мирзасолиев – Тошкент давлат аграр университети Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети декан, қ.х.ф.ф.д.
Ф.О. Боликулов – Тошкент давлат аграр университети сабзавотчилик ихтисослиги бўйича таьянч доктаранти.

Тақризчилар:
М.Ў.Холдоров – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси мудири, б.ф.н., катта илмий ходим

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзуллаев, М.С. Ҳайитбоев

Муҳаррир:
Г.А. Чоршанбиева – Шарқшунослик университети таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси ўқитувчиси, таржимон.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021
© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021
© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7169-5-7

МУНДАРИЖА

Кириш.....7

Порей пиёзининг хусусиятлари.....8

Порей пиёзининг шифобахшлиги.....10

Морфо-биологик хусусиятлари.....12

Нав намуналари.....15

Тупроқни экишга тайёрлаш.....17

Экиш.....18

Экинни парвариш қилиш.....20

Зараркунанда ва касалликларга қарши кураш.....22

Экин ҳосилини йиғиш ва сақлаш.....26

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....29

КИРИШ

Республика аҳолисининг сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш уларнинг кенг қамровли янги тур ва навларини татбиқ қилиш ҳисобига амалга ошириш билан боғлиқ. Пиёздошлар оиласи Австралиядан ташқари барча қитъаларда тарқалган бўлиб, 30 туркум ва 650 га яқин турни ўз ичига олади. Порей пиёзи ўзига хос таъм ва хушбўйликка эга бўлиб, унинг таркибидаги фойдали моддалар туфайли парҳез таомлар тайёрланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муҳим масалаларидан бири дехқончиликни интенсификациялаш бўлиб, бир ердан йил мобайнида икки ва ҳаттоки уч маротаба ҳосил олиш демакдир. Бунга асос, мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароитининг қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда фойдали актив радиациянинг етарли эканлигидандир.

Ўзбекистоннинг туман ва вилоятлари географик жойлашувига кўра (худудларида) илиқ кунлар амалда февраль ойи ўрталари–март ойидан бошланиб, ноябрь ойи ўрталари ва охиригача давом этади. У иссиқ талаб экинларни яхши ўсиб ривожланиши учун сутка мобайнида ўртача юқори ҳароратга (+24+29^{0}C), иссиққа у даражада талабчан бўлмаган совуқбардош сабзавотларни баҳор, куз фаслида ўсиб ривожланишига қулай бўладиган (+8+11^{0}C) ҳароратга эга бўлиши билан тавсифланади.

Ўзбекистон аҳолиси сабзавот маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини кўтаришга ва қайта ишлаш тармоқларини

ривожлантиришга интилмоқда. Бошоқли экинлар, эртанги картошка ва сабзавотлар ҳамда айрим бошқа экинлар 8-9 ой давом этадиган илиқ кунларнинг 3,5-4 ойини банд этади. Улар ҳосили йиғиштирилгандан сўнг ўсиш даври қисқа бўлган сабзавотларни ва ем-хашак экинларини такрорий экин сифатида етиштириш имкони бўлади. Ушбу масала республикамиз миқёсида кенг миқёсда қўлланилишининг яна бир сабаби, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2460 сонли қарори, 2020 йил 15 октябрда «Саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4863 сон қарорларидир.

Йилнинг ёз ойларида сабзавотларни, қолаверса, ўсиш даври узун бўлган порей пиёзни такрорий экин сифатида етиштириш бўйича илмий асосланган технология йўқ ва ушбу экинни етиштириш ҳозирги кунда долзарбдир. Ушбу қўлланма республикамизда порей пиёзини етиштиришга оид маълумотларни беради.

ПОРЕЙ ПИЁЗИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Инсоният қадим замонлардан бери пиёзнинг ҳар хил турларини озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ишлатиб келмоқда. Порей пиёзи ҳам бундан мустасно эмас. Қадимги мисрликлар, юнонлар ва римликлар порей пиёзидан озиқ-овқат ўсимлиги сифатида фойдаланишган. Мисрда порей пиёзи милоддан олдинги 3000 йилда етиштирилган. Ватани Олд Осиё бўлиб, у ердан Ўрта Ер денгизига келган. Бу ҳудудларда унинг ёввойи

ҳолда ўсувчи формаси Allium ampeloprasum ҳозир ҳам учрайди, ундан келиб чиққан маданий тури қадимги Мисрда асосий сабзавот экинларидан бири бўлган. Ўрта асрларда эса у бутун Европада етиштирилган. Қадимги ўсимликшунослар келтирган расмларда ўша даврда етиштирилган порей пиёзининг пиёзбоши ҳозир етиштирилаётган порей турлариникига қараганда анча катта бўлганлигини кўриш мумкин. Диоскрит (VI аср) қўлёзмаларида шундай тасвирланган:

Ҳозирги пайтда сабзавот экини сифатида Европада, Ўрта Ер денгизи атрофидаги давлатларда, Шимолий Америкада, кўпроқ қисми эса Ғарбий Европа, асосан Францияда етиштирилмоқда. Бугунги кунда порей машҳурлиги жиҳатидан саримсоқ пиёз ва бош пиёздан кейинги ўринда туради. Уни баъзан марварид пиёз деб ҳам юритишади. Оқ сохта пояси ва ёш барглари ёқимли таъмга эга бўлиб, пазандачилик маҳсулотларига ўзига хос хушбўйлик беради. Уни хомлигича, қайнатилган ҳолда, гарнир ва зиравор сифатида ишлатиш мумкин. Ёввойи ҳолда Жануби-ғарбий ва Ғарбий Осиёда ўсади.

Порей пиёзидан хилма-хил таомлар тайёрланган

ПОРЕЙ ПИЁЗИНИНГ ШИФОБАХШЛИГИ

Порей пиёзининг шифобахшлик хусусиятлари ўтмишда ҳам маълум бўлган. Уни подагра, ревматизм, цинга, буйрак тоши, семизлик, руҳий ва жисмоний толиқишда беморларга тавсия этилган.

Порей пиёзи бой кимёвий таркибга эга. Унинг таркибида сув 83-87%, умумий углеводлар 7,3-11,2%, шундан шакар 0,5%, крахмал 0,3%, клетчатка 1,5%, оқсиллар 2-3%, ёғлар 0,2%, органик кислоталар-0,1%, витаминлар (мг%) А каротин – 0,03; B_1 тиамин – 0,06-01; B_2 рибофлавин – 0,04-0,06; B_3-0,1; B_6-000,3; B_9 фолацин – 0,03; С аскорбин кислота – 35-80; Е-1,5-3; Н-0,14; РР ниацин – 0,5; каротин – 0,7 миқдорда бор. Шунингдек, унинг таркибида минерал моддалар (мг/100г): натрий – 50, калий – 225, кальций – 87, магний – 10, фосфор – 58, темир – 1,0-2,4, рух, марганец, мис, кремний каби асосий макро-микроэлементлар билан бир қаторда никель, кобальт, хром, ванадий, молибден, титан, олтингугурт, хлор, олтингугуртли эфир мойлари, фитонцидлар, ферментлар мавжуд.

Порей бошқа ҳеч бир сабзавот экини эга бўлмаган хусусиятга эга: сақлаш даврида оқ қисмидаги аскорбин кислотаси миқдори бир ярим бараварга ортади. Янги узилган пиёзни дастлаб бир ҳафта совутгичда сақлаб кейин ишлатилса, С витамини миқдори ортиши кучаяди. Озуқа моддаларининг асосий қисми порей ҳосили йиғиб олингандан 3-4 ойдан кейин тўплана бошлайди. Шу билан бирга унинг ҳосилдорлиги икки баравар юқори бўлиб, 6 ойгача харидоргирлик сифатларини сақлаб тура олади. Касалликлар ва зараркунандалар билан деярли зарарланмайди. Порей пиёзи диеталарда, юрак-қон томир касалликларида, антисептик ва бактерицид хусусиятига эга бўлганлиги учун яллиғланиш, шамоллашда, кўз касалликларида кўришни яхшилаш учун ҳамда рак касалликларининг олдини олиш учун ишлатилади.

МОРФО-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Поре́й пиёзи ёки марварид пиёз (лат. Āllium pōrrum) – Пиёздошлар оиласи (Alliaceae), Пиёз (Allium) туркумига мансуб тур ҳисобланади. Ҳаётининг биринчи йилида ўсимлик кучли, яхши ривожланган илдиз тизимини ҳосил қилади, илдизлари ипсимон кўринишда, қалин шохланади. Кўчириб ўтказиш пайтида зарарланган қисмлари тез тикланади. Вегетациянинг биринчи йилида бир-бири билан зич жойлашган баргларнинг пастки кенгайган қисмида оқ, цилиндр шаклидаги сохта пиёзбош ҳосил бўлади. Пиёзбош ташқи томондан қуруқ, кулранг-оқимтир рангли қипиқсимон қатлам билан қопланган. Барг пластинкаси қалами-наштарсимон, ғилофи узун

тумшуқчали, ясси, кенг (3-6 см), худди саримсоқ пиёзники каби яшил, елпиғичсимон (навбатма-навбат) жойлашган, мум қатламли, узунлиги 40-60 см дан 90 см гача. Бу узун барглар бир-бири билан зич жойлашади ва пастки қисмида 10-12 см баландликдаги, диаметри 2-8 см келадиган оқ рангли сохта пиёзбош ҳамда баландлиги 80 см гача ва диаметри 8 см гача етадиган оч яшил рангли сохта пояни ҳосил қилади.

Порей ўсиш давринининг иккинчи йилида гуллайди, баландлиги 2 м гача етадиган гул ҳосил қилувчи поя (ўқ) ва уруғлар шаклланади. Ўқ пояда катта шарсимон шаклдаги, 800 дан ортик гуллардан ташкил топган соябон тўпгул жойлашади, ташқи томондан ғилоф билан қопланган. Гуллари майда, жуда хушбўй, оқ ва пушти рангдан бинафша ранггача. Уларда уруғлар кам миқдорда бўлади ва жуда узоқ, ноябрь ойларига яқин пишиб етилади.

Ўз-ўзидан чангланиш йўли билан чангланади. Чангчи иплари гулқўрғонидан узунроқ, ички қисмдагилари уч бўлакли, ўрта қисмдагилари асосидан икки баравар калта. Июнь-июль ойларида гуллайди. Мевалари август – сентябрда пишиб етилади. Уруғлари уч қиррали, буришган, ташқи кўриниши бош пиёзнинг уруғига ўхшайди. Унувчанлиги 2-4 йилгача сақланади.

Порей – совуққа чидамли экин. Ўсимлик чопиқ қилинганда ва торф ёки ёғоч қипиғи (опилка) билан ёпилганда ўрта зоналарда қор остида қишлайди. Намликка талабчан, қумоқ, юқори гумусли тупроқларни афзал кўради. Оғир лойли ва енгил қумли ҳамда сернам ва кислотали тупроқлар порей экиш учун ярамайди.

Уруғидан кўпаяди. Марказий ва шимолий ҳудудларда кўчат усулидан фойдаланилади. Жанубий ҳудудларда кўчатсиз усул афзал (очиқ грунтга уруғ сепиш).

Уруғи қора рангли учбурчаксимон, ўртаси ботиқ, оддий пиёз уруғига ўхшаш

НАВ НАМУНАЛАРИ

Барча навлари 3 та асосий гуруҳга бўлинади:

- эртапишар ҳосили августда йиғиб олинади;
- ўртапишар ҳосили октябрда йиғиб олинади;
- кечпишар ҳосили октябрдан кейин йиғиб олинади.

Порейнинг энг кўп экиладиган навлари:

- **Бастион** – ўртапишар, экишдан кейин 150 кунда пишиб етилади, юқори ҳосилдор нав.
- **Голиаф** – эртапишар, экишдан кейин 130 кунда пишиб етилади, юқори ҳосилдор нав.
- **Карантанский** – кечпишар, экишдан кейин 180 кунда пишиб етилади, пояси цилиндрсимон, юқори ҳосилдор нав.
- **Сизокрыл** – кечпишар, экишдан кейин 200 кунда пишиб етилади, ўткир таъмга эга, қишга чидамли, юқори ҳосилдор нав.
- **Элефант** – кечпишар, экишдан кейин 190 кунда пишиб етилади, ўткир таъмга эга, юқори ҳосилдор нав.

Голиаф

Коламбус

Танго

Казимир

Булардан ташқари, «Веста»; «Коламбус»; «Хобот слона», «Танго», «Казимир», «Добрый молодец», «Летний бриз», «Жираф», «Победитель», «Гулливер», «Бандит», «Русский размер» каби навлари ҳам кенг миқёсда етиштирилади. Барча навлар бир уйли бўлиб, битта ўсимликда икки жинсли гуллар бор. Уруғлар ҳар қандай яхши ривожланган намунадан йиғиб олиниши мумкин.

Тупроқни экишга тайёрлаш

Порей пиёзи қандай усулда ва қайси муддатда етиштирилишидан қатъий назар, механик таркибига кўра енгил, органик моддаларга бой ва ўғитланган тупроқларда яхши ўсади ва ривожланади. Порей пиёз экилганидан сўнг секин ўсади ва бу даврда у экилган майдонни бегона ўтлар босади. Шунинг учун уни қатор орасига кўп ишлов бериладиган ва ерни маълум даражада бегона ўтлардан тозалайдиган экинлардан бўшайдиган жойларга экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Порей пиёзи такрорий экин сифатида бошоқлилардан бўшаган ерларга экиладиган бўлса, бунда ер ўсимлик қолдиқлари ва кўп йиллик бегона ўтлардан тозаланиши керак.

Порей пиёзи ҳосилини тупроқ ичида (остида) шакллантиради, шуни ҳисобга олган ҳолда тупроқни экишга тайёрлашда уни сифатли ҳайдаб ернинг юза қатламидаги кесакларни майдалаш ва тупроқнинг майин қатлами ҳажмини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Порей пиёзи кўчатидан такрорий экин сифатида етиштирилганда, у экиладиган майдондан эртапишар экинлар қолдиғи ердан чиқариб ташланиши, ер намлиги етарли бўлса, 28-30 см чуқурликда ағдариб, ҳайдаб, борона солиниши ва маълум даражада текисланиши керак.

Порей пиёзи оқбош, гулкарам ва брокколи ҳамда маккажўхоридан бўшаган ерга экиладиган бўлса, уларни ўзак ва илдизларидан ерни тозалаш керак. Эртапишар экинлардан сўнг ер қотиб кетган бўлса, олдин эгатлар орқали суғорилади ва етилган вақтида тегишли чуқурликда ҳайдалади.

Ерни шудгор қилиш, бороналаш ва текислаш жараёнларида қишлоқ хўжалиги экинларининг бошқа турлари учун қўлланиладиган трактор ва машина-механизмларидан фойдаланилади. Порей пиёзи такрорий экин сифатида ва ўз вақтида экилиши учун ерни экишга тайёрлаш жараёнлари тез ва қисқа муддатда ўтказилиши керак.

Экиш

Порей пиёзи икки усулда – уруғидан ва кўчатидан етиштирилади. Кўчат етиштириш учун уруғлар февраль-март ойларида махсус тайёрланган тупроқли ёғоч қутилар ёки махсус контейнерларга экилади. Махсус торфли стаканчаларда кўчат етиштириш ҳам яхши натижа беради. 1 м² майдонга 1 г уруғ сепиш мумкин.

Уруғлар қаторлаб, бир-биридан 4-5 см оралиқ масофа қолдириб экилади. Чуқурлиги 1,2-1,5 см бўлиши керак. Улар униб чиқиши учун ҳарорат +20 °С ва +25 °С оралиғида бўлиши керак. Кун узунлиги давомийлиги эса 11 соатдан кам бўлмаганда яхши ривожланади. Биринчи ниҳоллар бир ярим ҳафтада униб чиқади. Худди шу вақтдан бошлаб ҳаво ҳароратини кундузи +15 °С дан +17 °С гача, кечаси +10 °С дан +14 °С гача тушириш тавсия этилади. Қутилардаги ниҳоллар доимий суғорилиши ва икки марта минерал ўғитлар, масалан, суперфосфат билан ўғитланиши керак. Кўчатлар уруғ сепилганидан 60 кундан кейин ерга экилади. Кўчатларни кўчириб ўтказишдан олдин ҳар куни 2-3 соатга очиқ ҳавога олиб чиқиб чиниқтириш, уларнинг янги шароитга мослашишини тезлаштиради. Кўчириб ўтказилаётган кўчатларда камида 3 тадан чин барглар бўлиши керак.

Кўчатлар жўякнинг эгатчаларига қатор оралиғи 30 см, кўчатлар оралиғи 15-20 см, эгатчалар чуқурлиги 10 см дан кам бўлмаган чуқурликка экилади. Кўчатлар кўчириб ўтказилгандан кейин суғорилади. Порей пиёзи учун энг яхши ўтмишдош экинлар томатдошлар, дуккакдошлар ва крестгулдошлар ҳисобланади (гулкарам ва оқбош карам).

Экинни парвариш қилиш

Порей пиёзи диққат билан парвариш қилиниши, доимий равишда суғорилиши, ўғитланиши ва бегона ўтлардан тозаланиб турилиши керак.

Порей пиёзи доимий равишда суғоришга муҳтож. Кўчатлар кўчириб ўтказилгандан кейин ҳар 5 кунда суғориш амалга оширилади. Иссиқ ва қуруқ келган об-ҳавода суғоришлар оралиғини камайтириш мумкин. Ўғитлаш учун минерал ўғитларни ёки гўнг аталасини ишлатиш мумкин. Гектардан 23-30 т ҳосил олиш учун бўз тупроқларда соф ҳолдаги минерал ўғитлардан: азот-200, фосфор-150 ва калийдан-75 кг/га; ўтлоқ ва ўтлоқи ботқоқ тупроқларда азот-160; фосфор-160 ва калий 80 кг/га солиш тавсия этилади. Калийнинг ҳаммаси ва фосфорнинг 75% и ерни ҳайдаш олдидан, 25% фосфор ва азотни 50% и пиёз кўчати экилганидан 15-17 кундан сўнг қатор орасига биринчи ишлов беришда, қолган 50% азот ўғити пиёзбош шакллана бошлаш босқичида берилади. Ойига 1-2 марта пиёз атрофидаги тупроқ юмшатилиши керак, бунда тупроқ кислород билан яхши таъминланади ва ўсимлик яхши ўсиб, ривожланади. Тахминан июль ойидан бошлаб вегетация давринг охиригача ўсаётган пиёз қўшимча намликка эҳтиёж сезади, ушбу факторга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кўчат экилганидан, то улар тутиб олгунича 2-3 марта суғорилади. Ўсиш даврида эса 6-7 марта суғорилади. Лентачалар орасидаги бегона ўтлар 1-2 марта қўлда тозаланади. Қатор орасидаги бегона ўтлар кўчатлар тўлиқ тутиб олганидан сўнг 1-2 марта культиваторлар ёрдамида ишлов берилиб йўқотилади.

ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ВА КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

Сохта ун-шудринг. Замбуруғли касаллик бўлиб, пероноспороз ҳам дейилади. Баргларда овал шаклдаги доғлар пайдо бўлади ва улар тез катталашади. Касалликка қарши фунгицидлар ишлатилади.

Қарши курашиш. Кимёвий кураш чоралари – касалланган ўсимликларга таъсир этувчи моддаси (Манкоцеб+металаксил М) Ридомил голд МЦ 68% -2.5кг/га, (Пенконазол) Топаз 10%

к.э-0,25л/га, Энто паз экстра 10% к.э. -0,25л/га, (Пропинеб) Антракол 70% н.кук. -2,0кг/га ва бошқа фунгицидларни пуркаш тавсия этилади.

Бўйин чириш касаллиги. Қўзғатувчилари Botrytis allii. гифалар кўп ҳужайрали, олдин рангсиз, кейинчалик қўнғир, эни 4,5-9 мкм бўлади. Колониялар кулранг, қалин, кигизсимон. Конидиофоралар кўплаб ҳосил бўлади, тик турувчи, баландлиги 0,5-1 мм ва ундан ҳам узун, бир оз шохланган, олдин рангсиз, кейин қўнғир-кулранг; конидиофоранинг устки 1/4 ёки 1/3 қисмида кўплаб конидияларнинг сувда эрувчан шилимшиқ ёрдамида бириккан бошчалари пайдо бўлади. Конидиялар 1 ҳужайрали, олдин рангсиз, сўнгра оч-кулранг ёки қўнғир тусли, эллипсоид ёки тухум шаклли, ўлчами 7,1-16,2x3,8-9 мкм. Склероцийлар жилосиз-қора тусли, зич, ичи оқ, шакли ўзгарувчан, тухумсимон, субстратга ёпишган қорақўтир шаклли, диаметри 1-5 мм дан иборат.

Қарши курашиш. Ҳосил пишгандан сўнг тезда механик жароҳатлар етказмасдан йиғиб олиш, яхшилаб (8-10 кун давомида) қуритиш; дезинфекция қилинган омборхоналарга жойлаш, паст ҳароратда (–3ºС +1ºС) сақлаш, шамоллатиб туриш ва бошқа талабларга риоя қилиш; уруғни экишдан олдин самарали фунгицид суспензияси билан дорилаш ва қуритиш; уруғни ва уруғ олиш учун ажратилган пиёзбошларни эртароқ муддатларда экиш; далада касаллик ўчоқларига 0,2% ли Бордо суюқлиги пуркаш; таркибида моддалар баланси сақланган минерал ўғит қўллаш тавсия қилинади.

Занг касаллиги. Замбуруғли касаллик. Баргларда ёрқин сариқ рангли спораларни кўриш мумкин. Уларнинг ранги борган сари тўқлашиб, қораяди. Барглар қурийди. Бу касалликка қарши фунгицидлар, асосан фитоспорин қўлланилади.

Қарши курашиш – зарарланган баргларни тезликда йўқотиш зарур. Ҳарорат 20ºС даражадан паст бўлганда ўсимликни суғормаслик, вақтида бегона ўтлардан тозалаб, ҳаво алмашишни яхшилаш керак. Алмашлаб экишни жорий этиш ҳамда чидамли навларни экиш тавсия этилади.

Пиёз пашшаси. Порей пиёзининг асосий зараркунандаси пиёз пашшасидир. У май ойининг ўрталаридан бошлаб пайдо бўлади. Пашша баргларга ва тупроққа тухум қўяди ва улардан чиққан личинкалар ўсимликнинг марказий қисмини ейди, унинг қуриши ва чиришига олиб келади. Пиёз пашшаси пиёз ва саримсоқ пиёзга зарар етказади. Сохта ғумбаклари тупроқнинг 10-20 см чуқурлигида пиёз экилган далаларда қишлайди. Эрта баҳорда пашшалари апрель-май ойларида учиб, ўсимликка яқин тупроқ бўлакчаларига ва пиёз баргларига 5-12 тадан тухум қўяди. Тухумдан чиққан личинкалар пиёз билан озиқлангач, пиёзлар чириб кетади. Битта пиёзда 10-15 та личинка ривожланади. Пиёз пашшаси йилига 2 марта авлод бериб ривожланади.

Қарши курашиш. Агротехник тадбирлар: бир марта пиёз экилган далага қайта 3-4 йилдан кейин пиёз экиш тавсия этилади; пиёз ва саримсоқ пиёздан бўшаган далалар чуқур кузги шудгор қилинади; пиёздан бўшаган далаларда ўсимлик қолдиқлари йўқотилади; пиёз эрта муддатларда экилиши лозим.

Кимёвий усул: пиёзда пашшаларни ёппасига учиш даврида Циракс, 20% эм.к. – 0,5л/га; Фенкилл, 20% эм.к. – 0,3 л/га ва бошқа рухсат этилган препаратлар билан ишлов берилади.

Тамаки трипс – эрта баҳорда пиёз ва саримсоқ барги ўса бошлаганда трипс барг қўлтиғига жойлашиб уни зарарлайди. Танаси узунчоқ (0,8-0,9 мм), йилда 7-8марта авлод беради, оч-сариқ рангда, жуда ҳаракатчан. Пиёзни ёш барглари ва ўсиш нуқталарига жойлашиб олади ва санчиб-сўриб шикастлайди.

Тамаки трипси зарари

Қарши курашиш: далани ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, кузда шудгорлаш, қишлаб қолувчи личинкалар сонини камайтиришдан иборат. Баҳорда пиёз барг чиқаргандан сўнг зарарланган қисмларига (ацетамиприд) моспилан 20% н.кук, камилот 20% н.кук. нестор 20%н.кук., 0,15 л/га; (малатион) карбофос 57% эм.к.фуфанон – 1,2 л/га. (абамектин) вертимек 1,8% эм.к., препаратларнинг бирортаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

ЭКИН ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШ ВА САҚЛАШ

Порей пиёзи ҳосилини йиғишни амалга ошириш барглари ётиб қолганда бошланади. Эҳтиёткорлик билан пиёзнинг нозик барглари узиб олинади. Ҳосилни тўлиқ йиғиб олиш вақти навга боғлиқ, яъни августда, сентябрда, октябрда. Ўсимлик белкурак билан қазиб олинади, тупроқларини силкитиб, бир ҳафта давомида очиқ ҳавога қуритишга қўйилади. Қуритилгандан кейин қумли ёғоч ёки пластик қутиларга жойлаштирилади.

Пиёзларни тик (вертикал) ҳолатда тахлаш керак, кичик боғлам қилиб боғлаш ҳам мумкин. Сақлаш учун олиб қўйилган ўсимлик барглари кесилмайди. Бу пиёзлар 0 °C да ҳавонинг нисбий намлиги 80% бўлган шароитда, қумда ярим йилгача сақланиши мумкин. Порей пиёзини совутгичда сақлаш учун яхшилаб тозаланади, пояси учдан бир қисмга қисқартирилади. Илдизи 1 см кесиб ташланади.

Совутгичда сақлаш учун полиэтилен плёнкаларга қадоқланади. Кейин -2 °С дан +2 °С гача бўлган ҳароратда совутилади. Қалинлиги 40-60 мкм ли полиэтилен пакетларга 5-8 донадан солиб ўраб қўйилади. Сақлаш ҳарорати -5 °С дан паст бўлмаслиги керак. Бу усулда порей 4-5 ой сақланади. Порей пиёзини музлатиб ҳам сақлаш мумкин. Бунинг учун пиёз 3-4 см ли бўлакчаларга бўлинади, 4-5 минут давомида бланшировка қилинади, дастлаб очиқ ҳавода, кейин совутгичда совутилади. Полиэтилен пакетларга тахлаб, елимланади ёки боғлаб музлатгич камерасига қўйилади. Музлатиш -18 °С ҳароратда олиб борилади. Музлатилган порей пиёзи -18 °С дан -5 °С гача бўлган ҳароратда сақланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2460-сон қарори. “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”. – Тошкент, 2015 йил 29 декабрь. http: // www.Lex.UZ / 2015 / 1-3-б.

2. Туркия Республикаси Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китоб"дан иборат тўплами.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4863-сон қарори. “Саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш”. – Тошкент, 2020 йил 15 октябрь. http: // www.Lex.UZ / 2020 / 1-3-б.

4. Асатов Ш.И., Қодирхўжаев О., Мирзасолиев М.М. Пиёзни такрорий экин сифатида кўчатидан етиштириш технологияси. Тавсиянома. – Тошкент, «Наврўз»,2018-б 22.

42.345
П 74

Порей пиёзи етиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 32 б.

ISBN 978-9943-7169-5-7

УЎК 631.53.032:635.261
КБК 42.345

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

ПОРЕЙ ПИЁЗИ ЕТИШТИРИШ

39-китоб

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Таржимонлар:
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусаҳҳиҳ:
Г. Мусаханова

Компьютерда тайёрловчилар:
З.Б. Хошимов, Н.С. Сайидаҳмадов

Дизайнер:
Д. Иванов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 16.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.